

**МАҲАЛЛИЙ ПОПУЛЯЦИЯДАГИ ҚУЁНЛАРНИНГ ЎСИШ ДИНАМИКАСИ****Аллашеф Ф. С.**

Тошкент Давлат аграр университети магистри.

**Аннотация**

Маҳаллий популяциядаги урғочи қуён болаларининг тажриба давомида ўртача мутлоқ ўсиши  $765,60 \pm 19,8$  г-ни ташкил этиб, мутлоқ ўсиш бўйича тас  $870$  г-ни, энг ками  $\min$   $780$  г ўсишга эришган, вазнлар оралиғидаги фарқ  $10,34$  %-ни ташкил қилди. ( $P > 0,999$ ). Тенгқурлари эркак ёш қуёнларда ўртача мутлоқ ўсиш  $796 \pm 17,35$  г-ни ташкил қилиб, мутлоқ ўсиши тас даражаси  $960$  г-ни,  $\min$  даражаси  $710$  г-ни ташкил этиб, вазнлар оралиғидаги фарқ  $26,04$  %-ни ташкил қилди. ( $P > 0,999$ )

**Аннотация**

На протяжении исследования абсолютный средний прирост детенышей кроликов самок местной популяции составил  $765,60 \pm 19,8$  грамм, max уровень по абсолютному приросту составил  $870$  грамм, а  $\min$  уровень по самому низкому приросту  $780$  граммов, разница между весами равна  $10,34\%$ . ( $P 0,999$ ). У их ровесников, детенышей самцов кроликов абсолютный средний прирост составил  $796 \pm 17,35$  грамм, max уровень по абсолютному приросту составил  $960$  грамм, а  $\min$  уровень по самому низкому приросту  $710$  грамм, разница между весами равна  $26,04$  %. ( $P 0,999$ )

**Annotation**

During the study, the absolute average growth of female rabbit cubs in the local population was  $765.60 \pm 19.8$  grams, the max level for absolute growth was  $870$  grams, and the min level for the lowest increase was  $780$  grams, the difference between the weights is  $10.34\%$ . ( $P 0.999$ ). In their peers, male rabbit cubs, the absolute average gain was  $796 \pm 17.35$  grams, the max level for absolute gain was  $960$  grams, and the min level for the lowest gain was  $710$  grams, the difference between the weights is  $26.04\%$ . ( $P 0.999$ )

**Калит сўзлар** маҳаллий популяция, наслчилик иши, танлаш саралаш, зот, гуруҳ, тирик вазн, мутлоқ ўсиш, тана ўлчами, гематологик, махсулдорлик, озиклантириш рационлари.

**Ключевые слова** местная популяция, племенная работа, выборка, селекция, порода, группа, живая масса, абсолютный прирост, размеры тела, гематологический, плодовитость, рационы питания

**КИРИШ**

Фермер хўжаликларида, аҳоли хонадонларида, ёрдамчи хўжаликларда қуёнчиликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун барча тоифадаги хўжаликларда имкониятлар етарли. Сысоев В.С. (1985), Батаев А.А. (1996), Сысоев В.С., Александров В.Н. (1985), Парилло Л.Э. (1976), ChiCricato J. (2001), Кочиш И.И Волчкова Л.А. Нестеров В.В. (2022), В.З.Газиёв (2022) таъкидлашча қуёнлар бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан шуниси билан фарқ қиладики, улар йил давомида бола беради. Кеч кузда жинсий фаолияти биров пасаяди. Қуёнларни қочиришдан олдин ота-она қуёнлар танланади. Йилнинг октябрь ва ноябрь ойларида эркак қуёнларнинг семизлиги аниқланади. Эркак қуён ўртача семизликда бўлиши керак.

Лойиҳа бўйича тадқиқотлар 2022- 2024 йилларда Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги “Қуёнчилик селекцияси генитика маркази” қуёнхонасида олиб борилади. Зоотехния амалиётида қишлоқ хўжалик ҳайвонларини ўсиш ва ривожланиш ҳамда гўшт учун боқишда уларнинг тирик вазни асосий энг муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Тажрибадаги маҳаллий популяциядаги қуён болаларининг маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган барча харажатларни ва шунингдек ўстириш, парваришlash ҳамда бўрдоқилash самарадорлигини ўрганишда тирик вазини ўрганиш катта аҳамият касиб этади.

1-жадвал Тажрибадаги маҳаллий популяциядаги ёш урғочи қуёнларни ўсиш динамикаси

Кўрсаткичлар	Таж.бош ўртача тирик вазн 18.05.2022	Ўртача ёш кунлик	ўртача тирик вазн 18.06.2022	Ўртача ёши кунлик	Ўртача мутлок ўсиш, г	Ўртача кунлик ўсиш, г
Жами	73640	2339	111920	3842	38280	1276
Ўртача	1472,80	46,78	2238,4	76,84	765,6	25,52
S x=	29,9	-	20,7	-	19,86	0,76
Cv %	7,8	-	2,38	-	10,6	10,17
мас	1680	-	2550	-	870	30
min	1280	-	2060	-	780	21,67
N=	50	-	50	-	50	50

Тажриба учун 18.05.2022 йилда маҳаллий популяцияга мансуб 50 бош урғочи қуён болалари олиб келинган қуёнларни ўртача ёши 46,78 кунни ташкил қилиб, ўртача вазни  $1472 \pm 29,9$  г-ни ташкил этиб вазни бўйича сараланган урғочи қуён болаларининг энг оғири мас 1680 г-ни, энг ками min 1280 г-ни ёки бўлмаса вазнлар оралиғидаги фарқ 23,81 %-ни ташкил қилган. ( $P > 0,999$ ).

Маҳаллий популяциядаги ёш ўсувчи уғочи қуёнларни 30 кун ўтиб яккама-якка тарозидан тортиш орқали тирик вазн ўсиш динамикаси ўрганилди. Тажрибадан олинган натижалар

шунини кўрсатадики ўртача мутлоқ ўсиш  $765,60 \pm 19,8$  г-ни ташкил этиб, урғочи куён болаларининг мутлоқ ўсиш бўйича мас  $870$  г-ни, энг ками  $\min 780$  г ўсишга эришган ёки бўлмаса вазнлар оралиғидаги фарқ  $10,34$  %-ни ташкил қилди. ( $P > 0,999$ ).

Куёнларни кунлик ўсишини ўрганиш орқали бериладиган озиқлантириш рецептига, ўсиш динамикасига баҳо бериш мумкин. Якама-якка тарозидан тортиш натижалари шунини кўрсатадики ўртача кунлик ўсиш  $25,52 \pm 0,76$  г-ни ташкил этиб, урғочи куён болаларининг кунлик ўсиши мас  $30$  г-ни, энг ками  $\min 21,67$  г ўсишга эришган ёки бўлмаса ўсишлар оралиғидаги фарқ  $27,76$  %-ни ташкил қилди. ( $P > 0,999$ ).

## 2-жадвал Тажрибадаги маҳаллий популяциядаги ёш эркак куёнларни ўсиш динамикаси

Кўрсаткичлар	Тажриба бошида ўртача тирик вазн 18.05.2022	Ўртача ёши кунлик	ўртача тирик вазн 18.06.2022	Ўртача ёши кунлик	Ўртача мутлоқ ўсиш, г	Ўртача кунлик ўсиш,г
Жами	39290	1239	63170	2142	23880	796
Ўртача	1309,67	41,30	2105,7	71,4	796	26,53
S x=	16,71	-	19,6	-	17,35	0,58
Cv %	4,88	-	3,69	-	9,22	9,22
мас	1500	-	2350	83	960	32
min	1080	-	1820	61	710	21
N=	30	-	30		30	30

Маҳаллий популяцияга мансуб  $30$  бош эркак куён болалари олиб келинган. Куёнларни ўртача ёши  $41,30$  кунни ташкил этиб, ўртача тирик вазни  $1309 \pm 16,71$  г-ни ташкил этиб, эркак куён болаларининг тирик вазни мас даражаси  $1500$  г-ни,  $\min$  даражаси  $1080$  г-ни, ёки бўлмаса  $28$  %-ни ташкил этди. ( $P > 0,999$ ).

Ёш ўсувчи маҳаллий популяцияга мансуб эркак куёнларнинг  $30$  кунлик тажрибадан сўнг яккама-якка тарозидан тортиш орқали тирик вазн динамикаси ўрганилди. Олинган натижалар шунини кўрсатадики, тажриба давомида ўртача мутлоқ ўсиш  $796 \pm 17,35$  г-ни ташкил қилиб, мутлоқ ўсиши мас даражаси  $960$  г-ни,  $\min$  даражаси  $710$  г-га ўсди ёки бўлмаса  $26,04$  %-ни ташкил этди. ( $P > 0,999$ ).

Якама-якка тарозидан тортиш натижалари шунини кўрсатадики, ўртача кунлик ўсиш  $26,53 \pm 0,58$  г-ни ташкил этиб, эркак куён болаларининг кунлик ўсиши мас  $32$  г-ни, энг ками  $\min 21$  г кунлик ўсишга эришган ёки бўлмаса кунлик ўсиш орасидаги фарқ  $32,25$  %-ни ташкил этди. ( $P > 0,999$ ).

## Хулоса

Олинган маълумотлардан хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, маҳаллий популяциядаги куён болаларини шароитга мослашиш ва сутдан ажратиш эрта бўлганлиги сабабли

уларнинг кунлик ўсиши зот андозасидан бир оз кам бўлганлиги кузатилган бўлсада, куён болаларининг сақланувчанлик даражаси четдан олиб келинган зотдор куён болаларига нисбатан юқори бўлганлигини кўрсатди.

### **Фойданалинган адабиётлар**

1. Храмова. Е. Разведения кроликов без ошибок 2020 г Назначения каждой парод, как правильно вибрать, содержать, кормит лечит
2. Сысоев В.С. Мясная продуктивность//Кролиководство. М., Агропромиздат. - 1985.
3. Батаев А.А. Отчет по маркетингу в кролиководстве// М., фирма «Кедр-95», 1996
4. Сысоев В.С., Александров В.Н. Система содержания кроликов// Кролиководство. М., Агропромиздат. - 1985.- с.1621.168.
5. Парилло Л.Э. Доращивание бройлерных крольчат// Кролиководство и звероводство. 1969. - №5.
6. Парилло Л.Э. Интенсивность использования маток в закрытом крольчатнике// Кролиководство и звероводство. 1976. - №4. - с. 19.23.
7. ChiCricato J. Влияние разных уровней протеина на использование питательных веществ и рост крольчат//Р.Ж.К^2001есп. Veber. 1983. - р.200-206.
- 8.В.З.Газиев Вятская государственная сельскохозяйственная академия г.Киров Актуальные проблемы Зоогигиены в звероводстве Кролиководства и Звероводства. 2022.№5 (стр 10-18
- 9.Кочиш.И.И Волчкова.Л.А Нестеров.В.В Кролиководства и Звероводства.Ж. 03.2022 (стр 25-31)Применение отечественногопрепарата “нитамин” для профилактики стрессов при выращивании кроликов.